

Тошкент ш.

2022 йил «31» оғ

“Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази” давлат муассаси («UzTest» DM), бундан бўён “Ижрочи” деб аталувчи номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ж.И.Фаниев, бир тарафдан ва

, бундан бўён

(хўжалик субъектнинг номи)

“Буюртмачи” деб аталувчи номидан доверенность асосида иш юритувчи

(Устав, ишончнома (буйруқ)

зам.ген. dir. Фаниев И., иккинчи тарафдан,

(Ф.И.Ш.)

биргалика “Тарафлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи буюртмалар асосида **буюртмачи** томонидан ишлаб чиқариладиган (импорт қилинадиган) маҳсулот (товар) ларга нисбатан синов ва сертификатлаштириш хизматларни амалга оширади (кейинчалик – “Хизматлар”), **буюртмачи** эса ушбу **хизматларга** ҳак тўлайди ва унинг натижаларини қабул қиласди.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўлов шартлари

2.1. Шартноманинг таҳминий суммаси 50 000 000 (эллик миллион) сумни ташкил этади, шу жумладан ККС (ККС сиз).

2.2. **Буюртмачи** буюртма берган кундан бошлаб 10 банк кунидан кечиктирмасдан, **ижрочининг** хисоб рақамига тўлов топшириқнома (электрон тарзда *route*) орқали ижрочи томонидан ёзиб берилган хисобга асосан хизмат ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаб беради. **Буюртмачи** бюджет ташкилот бўлганида эса, тўлов тўлов топшириқнома орқали 30% олдиндан ва 70% хизмат бажарилганидан кейин амалга оширилади.

2.3. Ижрочи кўрсатилган **хизматлар** далолатномаси асосида **буюртмачига** хисоб-фактура ёзиб беради.

2.4. Хизматлар баҳоси нархлар (тарифлар) преискурантига асосан белгиланади.

2.5. 2019 йил 15.08.даги ПҚ-4419 карорининг 14-бандига кўра мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун буюртмачи **ижрочининг** хисоб рақамига **бир марталик тўловни базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида** (135 000 сўм) ижрочининг карори берилган кунидан 5 банк ичидаги тўлаб беради ҳамда тарафлар ўртасида инспекция назоратини ўtkазиш шартлари тўғрисидаги келишув тузилади.

2.6. Тарафлар кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасигача ўзаро хисоб-китобларнинг солиштирувани амалга оширадилар.

## 3. Хизматлар кўрсатиш шартлари

3.1. Ижрочи, унинг хисоб рақамига 2.1.6.да кўзда тутилган пул маблағлари келиб тушганидан ва буюртмачидан барча керакли ҳужжатлар олинганидан сўнг, **хизматларни** кўрсатишга киришади.

3.2. Хизматлар кўрсатишнинг умумий муддати, **хизматларнинг** қийинлик даражаси, сермашаққатлиги ва ўзига хос хусусияти эътиборга олиниб, пул тўланган кундан 10 ишчи кунидан 1 ойгача чегараларида ўрнатилиди.

3.3. Хизматлар кўрсатилиб бўлинганидан сўнг, **буюртмачи ижрочи** томонидан тайёрланган кўрсатилган **хизматлар** далолатномасини имзолайди ёки кейинги кундан кечиктирмасдан, хизматлар натижаларини қабул қилишни асосланган рад этишини юборади. **Буюртмачи** томонидан кўрсатилган муддатларда бундай харакатларни бажарилмаслиги, **буюртмачи** томонидан автомат равишда маъқуллаш, кўрсатилган **хизматлар** далолатномасига розиликни билдиради.

3.4. **Бажарувчи** томонидан кўрсатилган **хизматлар** натижалари синов баённомаси ва (ёки) мувофиқлик сертификати, эксперт хулосаси, маркировка таржимаси кўринишида ва б. расмийлаштирилади ва **буюртмачига** ушбу **шартноманинг** 2.1.6.да кўрсатилган сумманинг тўлиқ тўлови амалга оширилганидан кейин берилади.

3.5. Ўтказилган синовларнинг ва маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг қониқарсиз натижалари амалга оширилган тўловларга таъсир кўрсатмайди.

3.6. Хизмат натижаларини **буюртмачининг** вакили ишончнома асосида қабул киласди.

3.7. Хизматлар сифати ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

## 4. Тарафларнинг мажбуриятлари

4.1. **Буюртмачи** мажбур: хизматлар ҳақини 2.1., 2.5.бандларига мувофиқ амалга оширишга; керакли техникавий ҳужжат ва маълумотларни тақдим этишга; **ижрочи** меъёрий ҳужжатда кўзда тутилган миқдордаги маҳсулот намунасидан танлов амалга ошириш имконини беришга; **ижрочининг** сўровига кўра, ушбу **шартнома** доирасида топшириқни амалга ошириш учун керакли кўшимча маълумотларни тақдим этишга; кўрсатилган **хизматлар** далолатномасини имзолашга ёки ушбу **шартноманинг** 3.4.6.да ўрнатилган муддатларда, **хизматлар** натижаларини қабул қилишни асосланган рад этишини тақдим этишга; - **ижрочи** томонидан тайёрланган натижаларни олишга; -ўзаро солиштириш далолатномани имзолашга.

4.2. Ижрочи мажбур: **буюртмачига** **хизматлар** амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотни тақдим этишга, ҳар бир юзага қеладиган масала бўйича ўз вақтида маълумот беришга; **буюртмачи** томонидан тақдим этилган

маълумотларни овоза қилмасликка, ва маълумотлар маҳфийлигини таъминлашга; ушбу **шартнома** билан кўзда тутилган **хизматларни** ўрнатилган муддатларда амалга оширишга; **буюртмачига** ҳисоб-фактурани ёзиб бериш ва **хизматлар** натижаларини тақдим этишга; ўзаро солишириш далолатномани имзолашга.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

**5.1. Шартнома** талабларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун **тарафларга** Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуннинг 24-моддасида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## 6. Коррупция қарши шартнома

**6.1.** Томонлар шу билан коррупциясига қарши кураш туғрисидаги конунларнинг талабларини бажаришга ва ушбу **шартномада** кузда тутилган хуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлик равишда коррупцияга қарши конунларнинг меъёрларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чораларни кўрмасликка, шу жумладан таклиф, авторизация, ваъда бериш ёки ноконуний тўловларни амалга оширмаслик (шу билан чекланмасдан) мажбуриятини оладилар, тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва идоралар, давлат хизматчилари, нодавлат юридик шахслар ва уларнинг вакилларини ўз ичига олган (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) хар қандай жисмоний ёки юридик шахсга пул ёки бошқа шаклдаги пора бериш, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда):

томонлардан бири ушбу банднинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, бошка томон ушбу **шартномани** бажаришдан бир томонлама ва суддан ташкари рад этишга хақлидир. **Шартномани** ушбу бандга мувофиқ бекор килган тақдирда ушбу банднинг шартларини бузган томоннинг зарарлари қопланмайди.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

**7.1.** Ушбу **шартнома** бўйича низолар Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

## 8. Форс-мажор

**8.1.** Агар мажбуриятларни бажармаслик **тарафларнинг** истак-ҳоҳишлирага боғлик бўлмаган (уруш харакатлари, табиий оғатлар, хукумат қарорлари), ваколатли органлар томонидан ҳужжатлар асосида тасдиқланган, форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса, **тарафларнинг** хеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар.

## 9. Амал қилиш муддати

**9.1.** Ушбу **шартнома** тузилган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 10. Бошқа шартлар

**10.1.** Ушбу **шартнома** тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиб йўли билан тузилиши мумкин.

**10.2.** Ушбу **шартномага** киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма кўринишда амалга оширилган ва ҳар икки тараф томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқий ҳисобланади.

**10.3.** Нархлар (тарифлар) тўлов учун белгиланган муддат давомида ўзгарган бўлса ва тўловлар ушбу муддатда амалга оширилмаган тақдирда, **хизматлар** баҳоси қайта кўриб чиқилади.

**10.4. Шартнома** бир хил юридик кучга эга иккита асл нусхада тузилди.

## 11. Тарафларнинг почта манзиллари ва банк реквизитлари

### Ижрочи: «UzTest» DM

100174, Тошкент ш., Олмазор т., Фаробий к., 333А

Тел.: 78 150 63 53 факс: 78 150 19 16

е-пошта: [sertcenter@standart.uz](mailto:sertcenter@standart.uz)

х/р: 20210000804218402001

“Туронбанк” АТБнинг Тошкент ш. МАБси

МФО 00446, ОКЭД 71200,

ИНН 20425050440ZORATI MARKAZI



### Ижрочи: «UzTest» DM

М.ў.

20 \_\_\_\_ й.

### Буюртмачи

**СП ООО «Самарканский Автомобильный Завод»**  
г. Самаркан, ул. С.Бухорий, 5.  
**Р/с: 202 08 000 0 0117 9040 007**  
**Яккасарайский ф-л АИКБ «Ипак Йули»**  
**МФО: 01028 ИНН: 202 137 344**  
**ОКЭД: 19100**

### Буюртмачи

«\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ й.



## 11. Тарафларнинг имзолари ва муҳрлари

М.ў.

«\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ й.